

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси республика Кенгаши
раиси Ф.Ханапияева**

Миннатдорлик хати!!!

Мен 2022 йил 25 октябр Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти Кенгашига мурожаат қилганман.


Мурожаатда Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси КТМП хирургия хона хамшираси вазифасида меҳнат фаолиятини амалга оширганлигимни ҳамда 2020 йил 26 ноябр куни менга бирлашма бош шифокорининг буйруғига асосан ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги таътил берилганлигини. 2022 йил октябр ойида ўз вазифамга қайтиш учун Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори номига ариза билан мурожаат қилганлигимни лекин иш берувчи томонидан иш ўрним қисқаришга тушганлиги сабабли аризам рад қилинганлиги билан боғлиқ ҳолат юзасидан амалий ёрдам сўраганман.

Мурожаатим юзасидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан дастлаб, Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори номига кўрсатма хат киритилиб, мени ўз вазифамга қайтарилиши маълум қилинган эди. Бирлашма томонидан мазкур кўрсатма ижроси таъминланмаганлигидан сўнг, меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Албеков томонидан меҳнинг манфаатимда фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво суд томонидан кўриб чиқилиб, 2023 йил 25 январ куни Ховос тумани тиббиёт бирлашмасидан менинг фойдамга мажбурий прогул даврим учун 6 118 902 (олти миллион бир юз ўн саккиз минг тўққиз юз икки минг) сўм, 2 000 000 (икки миллион) сўм, жами 8 118 902 (саккиз миллион бир юз ўн саккиз минг тўққиз юз икки минг) сўм миқдорида пул маблағи ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ушбу пул маблағи менга тўлаб берилди.

Мушкул ахволимда яқиндан кўмак берган, тиббиёт ходимларини доимий қўллаб-қувватловчи, уларга ҳамнафас бўлган Сизга ва сиз раҳбарлигингиз остида меҳнат қилаётган Р.Абдалимова ва А.Албековларга чуқур миннатдорчилик билдирган ҳолда келгуси ишларингизда омадлар тилайман.

Ш.Атакулова



19.04.2023 йил